Ислом Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш бўйича тадбирлар режаси тасдиқланди

Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш бўйича тадбирлар режаси муҳокамасига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Мазкур тадбирда Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси раҳбарининг биринчи ўринбосари Асаджон Хўжаев ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Жумладан, январь ойида Самарқанд шаҳрида Ислом Каримов хотирасига атаб бунёд этилган мақбара мажмуасининг ва Қарши шаҳрида Ислом Каримов ҳайкалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтиши режалаштирилган.

Шунингдек, Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси ва «Ўзбеккино» Миллий агентлиги томонидан Ислом Каримов ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги ҳужжатли фильм яратиш устида иш олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, ёшлар ўртасида «Менинг Биринчи Президентим» шиори остида хотира акциясини ташкил этиш ҳам режалаштирилган.

манба: daryo.uz

Фото: «Islamkarimov.uz»

2018-01-12 15:31:36